

(Аввалги хангомага илова бўлмиш бу баённи ўқиш шартмикин?)

Хотинининг макридан беҳабар Норкул маошининг маълум бир кисмини улфатчилик учун яшириб, уйига кайтди. Келсаки, доим очик турадиган эшик ёпик. Кўнгирокни чалди. Хотини эшикни кия очиб, бу хонадоннинг бугундан эътиборан бозор иктисодига ўтганини маълум килди. “Бу нима деганинг?” деб ажабланди Норкул. “Шу деганимки, бу уйда энди хамма иш пуллик бўлади. Эшикни очганим учун фалон сўм тўлайсиз. Уйга кириш нархи эса фалон сўм”. Норкул буни аввалига хазил деб ўйлади. Кейин карасаки, иш жуда жиддий. Чой сўраса – чой пуллик, овкат сўраса – овкат пуллик. Телевизорга карай деса – унга хам пул. “Дунёнинг кайси қавагида томоша текин бўларкан?”, дейди хотини. Маълум бўлдики, диванга ёнбошлаш хам пуллик. Хайрият, хотинда инсоф бор экан, стулда ўтириб кўришнинг нархини сал туширди. Хожатга кирай деса, кичик ўгли патта ушлаб турибди. Кўл ювишга алохида пул тўлаб, хомчўт килса-ки, маошидан деярли ажраб бўлибди. Энди турли харажатлардан ўзини тийди. Балконга чикиб, тикка туриб олди. Аммо бу ердан туриб шаҳарнинг кечки жамолини томоша килиш хам пуллик экан. Балкондан ичкарига кайтиб кирай деса, яна пул талаб килинди. Болалар ухлагач, хазил охирига етгандир, деб ётоққа кирай деса... ё, алхазар! Бу ёги хам пул! Норкул аччикланиб: “Э, хотин уялмайсанми?” деса, хотини: “Пул бор жойда уят бўладими?” деб турибди. Хуллас, ётоққа кирай деса, ёнида пул колмабди. Хотини хасис бозоркўмлардан экан, насияга киритмади. Хайриятки, озгина инсоф килиб, насия эвазига диванга эски кўрпача тўшаб берди.

Хотини ухлагач, Норкул солик идорасида ишлайдиган ўртоғига кўнгирок килиб, маслахат сўраган эди, у пулларни кайтариб олишнинг зўр йўлини ўргатди. Эрталаб Норкулнинг пули колмагани учун нонуштага таклиф килилмади. Хотини дастурхонни йигиб, ишга отлангач, Норкул: “Ўтира туринг, хоним, бозор иктисодига ўтган уйда хамма нарса халол бўлиши керак. Энди хисоб-китоб килиб олайлик”, деди. Хотини англамади. Норкул тушунтирди:

-Хар қандай даромаддан солик тўлаш керак. Сиз кеча бозор паттачиси эдингиз. Бугун мен солик инспекториман. Демак, эрингизнинг уйга кириб келиши учун ундан шунча сўм ҳақ олдингиз, бунинг солиги бунча сўм бўлади.

Хотин мардлик килиб соликни дарров тўлади. Чой учун тўлаган пулдан... хатто хожатхонага кириш ҳақидан бирма-бир солик тўлайверди. Шу зайлда Норкул бир неча дақиқада кечаги маошини юз фоиз кайтариб олди. Кейинги соликларни хотини ўзининг маоши хисобидан тўлай бошлади. Шу уйда нафас олиш учун солик тўлашга келганда унинг пули колмади. Норкул хам мардлик килди – насияга нафас олишга ижозат этди. Норкулнинг уйдаги бозор иктисодига ўтиш маросими шу зайлда якунланди. Бугун ишдан кейин Норкул “соликчилик фаолияти”нинг бошланишини “ювиб”, чойхонада улфатларга ош бермокчи. Биз хам бу маишатга таклиф этилганмиз. Майли, айтилган жойга кеч қолиб бормаёлик...